

Қуръон ва ҳадисда қор ҳақида маълумот борми?



15:00 / 03.12.2021 3849

Ҳар сафар илк қор ёққанда, Қуръонга оид баъзи нохуш сўзлар қулоққа чалинади. Айрим жоҳил кимсалар: «Қуръон ва ҳадисда қор ҳақида маълумот келмаган», «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қор ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар» ва бошқа шу каби асоссиз фикрлани ёйиб, Ислом дини манбаларидан камчилик топишга ҳаракат қиладилар.

Тўғри, Қуръони Каримда «қор» (ج ل ث) сўзи келмаган, аммо унга далолат қиладиган лафзлар зикр мавжуд. Қолаверса, муфассир уламолар Қуръонда қор ҳақида ҳам маълумотлар бор эканини таъкидлаганлар. Шунингдек, ишончли ҳадиси шарифларда ҳам “қор” сўзи ишлатилганини кўриш мумкин. Бугунги маълумотларимиз шу мавзуга бағишланади. Қуръондаги қорга оид бир оятни ўрганиш билан чекланамиз.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳ булутларни ҳайдашини, сўнгра бирга тўплашини, сўнгра уйиб қўйишини кўрмаяпсанми?! Бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсан. У зот осмондан, ундаги тоғлардан дўл

тушириб, у билан Ўзи хоҳлаган кишиларга мусибат етказур ва уни Ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Унинг чақмоғининг ярқираши кўзларни кетказгудек бўлур» (Нур сураси, 43-оят).

Имом Мотуридий раҳимаҳуллоҳ мазкур оятдаги «ундаги тоғлардан дўл тушириб» жумласини шундай тафсир қилган: «Тоғлардан мурод булут бўлиб, Аллоҳ булутдан қор ва дўл ёғдиради.

Одатда, бирор нарса тоққа ўхшатилганда қуйидаги икки маъно назарда тутилади:

Кўплик ва шиддат, дағаллик (мустаҳкамлик) ва улуғлик маъноси.

Шунингдек, оятдаги тоғлар ҳақиқий маънодаги тоғ бўлиши ҳам мумкин. Унинг қаердагили, яъни осмондами ёки ер ва осмон ўртасидами, маълум эмас.

Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ (в. 1310 й.) мазкур оятни шундай шарҳлайди: «Аллоҳ таоло ерда тошдан тоғ яратгани каби осмонда дўлдан тоғ яратади. Сўнг мазкур тоғдан дўл (қор) ёғдиради».

Абул Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ (в. 985 й.) бу ҳақда шундай ёзади: «Осмон тоғлари ер тоғларидан кўп бўлиб, улардан бири дўлдан иборатдир. Аллоҳ ушбу тоғдан дўл ёғдиради. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай деган: “Дўл – бу қордир. Мен уни кўрмаганман”.

Оятдаги тоғ “кўплик” маъносини ҳам англатади. Яъни, юқоридаги оят “Аллоҳ таоло осмондан тоғдек кўп қор ёғдиради”, деган маънони билдиради”.

Ваҳба Зухайлий раҳимаҳуллоҳ мазкур оятнинг мўъжизакор маъноларига эътибор қаратиб, жумладан шундай ёзади: “Аллоҳ таоло тоққа ўхшаш қалин булутлардан ёмғир ёғдиради. Шунингдек, осмонга кўтарилаётган буғлардаги совуқликнинг таъсирига қараб, қор ва дўл ҳам ёғдиради. Оятда зикр этилган “тоғлар” мажозий маънода булутларни англатади. Зеро, улар осмонда пурвиқор тоғлардек кўринади. Одатда самолётда уч минг қадам юқорига кўтарилганимизда уларни кўрамиз.

Баъзи муфассирларнинг фикрича, оятдаги “тоғлар” ҳақиқий маънода келган. Яъни, Аллоҳ таоло ҳақиқатдан ҳам осмонда дўлдан бўлган тоғларни яратган бўлиб, улардан дўл ва қорларни ёғдиради. Бу қарашлар ҳозирги баъзи замонавий назарияларни қўллаб-қувватлайди. Зеро, айрим

тадқиқотларда атмосферанинг баъзи табақаларида дўлдан иборат тоғлар мавжудлиги исботланган”.

Дарҳақиқат, юқоридаги оят хусусида олимларимиз томонидан берилган маълумотлар, тафсир ва изоҳлар Қуръоннинг мўжизакорлигини яна бир бор исботлайди. Хусусан, X асрда ижод қилган Абу Мансур Мотуридий ва Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳнинг самодаги муз тоғлари – айсберглар ҳақида билдирган фикрлари фикримизнинг яққол исботидир.

Манбалар:

1. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот Аҳл ас-сунна. Таҳқиқ: Аҳмад Вонли ўғли, Бакр Тупол ўғли. Ж.10. – Истанбул: Дар ал-мийзан, 2005.– Б. 183;
2. Абул Баракот Насафий. Мадорик ат-Танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил (Тафсир ан-Насафий) Ж.2. – Байрут: Дар ал-калим ат-таййиб, 1998. – Б. 511;
3. Абу Лайс Самарқандий. Баҳр ал-улум (Тафсир ас-Самарқандий). Ж.2. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1993. – Б. 444;
4. Доктор Ваҳба Зухайлий. Ат-тафсир ал-мунир фи-л-ақида ва-ш-шаиъа ва-л-манҳаж. Ж.9. – Дамашқ: Дар ал-фикр, 2009. – Б. 605.

Абдуллоҳ Абдулмажид тайёрлади